Oila va jamiyat

Оила ва жамият

24 СОН

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

пайшанба кунлари чиқади 1997 йил 12—19 июн

— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ — Баҳоси эркин нархда



● Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлат муносабатлари асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланганининг 5 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциндан табрик мактуби олинди.

Юртбошимизнинг жавоб мактубида икки томонлама муносабатлар мамлакатларимиз халқлари манфаатларига жавоб бера оладиган янада юксак даражага кўтарилишига ишонч билдирилган.

● Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида хорижий давлатлар дипломатик корпуси вакиллари ва чет эллик журналистлар учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● Мамлакатимиз пойтахтидаги Британия кенгаши биносида юртимизга ташриф буюрган Буюк Британиянинг Бедфордшир савдо-саноат делегацияси аъзолари иштирокида Ўзбекистон — Британия бизнес-семинари бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Олий мактаб ходимларининг навбатдаги кенгаши «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» давлат комиссиясининг республика Президенти Ислом Каримов раислигида ўтган мажлисида муҳокама этилган масалаларни кўриб чиқишга бағишланди.

● Бир ҳафта давомида пойтахтимиздаги «Динамо» теннис мажмуида жаҳоннинг 25 мамлакатидан келган кучли теннисчи аёллар Тошкент иккинчи халқаро Челленжер турнирининг ғолиблиги учун курашдилар. Биринчи ўрин Мексикадан келган теннисчи Анжелика Гавалдонга насиб этди.

● Жомбой туманида XV асрда яшаган мутасаввуф шоир ва олим Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали таваллудининг 550 йиллиги кенг нишонланди.

ЎзА ва республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди

Ўйнашиб гоҳи табиатни қилайлик чоғлар

Жавоб

Ёдингизда бўлса, газетамизнинг 21-сонида «Мустақилликка эришганимиздан бери ўтган олти йил ичида мамлакатимиз ҳаётида юз берган оламшумул воқеаларнинг энг муҳими қайси деб ҳисоблайсиз?» — деган савол ўртага ташланган эди. Қуйида таҳририятимизга келган айрим жавоблар билан танишасиз.

Минглаб мўмин-мусулмон биродарларимизнинг ҳаж зиёратини адо этиш бахтига мушарраф бўлаётганлиги, шаҳар ва қишлоқларимизда юзлаб масжидлар барпо этилаётгани, Қуръони Карим ва бошқа кўплаб диний китобларни ўзбек тилида эмин-эркин мутолаа қилиш имконияти яралгани улуғ неъматдир. Иншоолоҳ, юртимизнинг истиқболи порлоқ бўлажак.

Нуриддин НАСРИДДИНОВ,
Бухоро вилояти

* * *

Юртбошимизнинг БМТ минбаридан нутқ сўзлаб, Ўзбекистоннинг тинчликсевар мамлакат эканини дунёга танитганлари, менимча, ғоят муҳим, тарихий воқеа бўлди.

Ҳилола БОБОЕВА,
талаба, Қарши шаҳри

* * *

Ўзбекистон терма жамоаси футболчиларининг XII Осиё ўйинларидаги ғалабаси биз футбол ишқибозларининг қалбимизни олам-олам қувончга тўлдирди. Ҳали футболчиларимиз юртимиз доңғини оламга ёйишда кўп ажойиб ўйинлар кўрсатадилар, Франция яшил майдонларида тўп сурадилар, деб ишонамиз.

Собир АЗИЗОВ,
Комил АБДУСАМАДОВ,
Янгиер шаҳри

* * *

Буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг 660 йиллиги кенг нишонланиб, ҳайкаллари ўрнатилиши, пойтахтимизда маҳобатли музей барпо этилгани ва филм яратилгани ажойиб иш бўлди.

Маъмурахон ЖАМОЛОВА,
Зангиота тумани

* * *

Асакада «ЎзДЭУ авто» корхонаси барпо этилиб, Ўзбекистон автомобилсозлик саноатига эга бўлган мамлакатлар сафига қўшилди.

Нусратжон ҚОБИЛОВ,
Фарғона вилояти

Муассисларимиз фаолиятидан

АЁЛ ВА ҲУҚУҚ

Ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентимиз Ислом Каримов фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунларни омма учун тушунарли қилиб шарҳлаб бериш каби долзарб масалаларга алоҳида тўхталиб ўтган эди. Республика Хотин-қизлар қўмитасида бўлиб ўтган «Хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятининг долзарб масалалари» мавзусидаги семинарда ҳам юртбошимизнинг ўша учрашувда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

— Хотин-қизларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмасликлари кўп ҳолларда яққол намоён бўлиб қолаяпти, — деди ўз маърузасида Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова. — Қўмитамизга арз билан келаётган опа-сингилларимизнинг гапларини тинглаб, тушаётган шикоят хатлари билан танишиб шунга амин бўлаяпмиз. Ваҳоланки, бу аризаларнинг аксариятини жойларнинг ўзида ҳал қилиш мумкин. Аёлларимиз ҳуқуқларини билмаганларидан айрим оддий масалаларнинг ҳам ечимини тополмай идорама-идора сарсон бўлиб юришибди. Хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари жойларда аёллар билан учрашувлар ўтказиб, мавжуд қонунларимизда хотин-қизларга қандай имтиёзлар, ҳуқуқлар белгиланганини тушунтириб боришлари керак.

Семинарда Тошкент вилояти ҳокимининг муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Хўжаева, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш. Темиров, Ўзбекистон Болалар жамғармаси раиси И. Юсупова ва бошқаларнинг маърузалари ҳам тингланди. Жумладан, И. Юсупова ўз маърузасида «Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция» ва унинг республикамиз ҳаётидаги аҳамияти, Конвенцияни кенг тарғиб қилиш ва тушунтириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталди.

— Шу кунларда жамғармамиз фаоллари вилоятларга чиқиб, Конвенция бўйича семинарлар, учрашувлар ўтказишаяпти, — деди И. Юсупова. — Аёл, аввало, онадир, шунинг учун у ўз ҳуқуқларини билиш билан бирга, болаларининг ҳуқуқларини ҳам яхши билиши мақсадга мувофиқдир.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари Б. Шодиева қатнашди ва сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз

Ахборот

ОНАЛАР САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилиши худди «икки карра икки—тўрт», дегандай исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Кейинги йилларда республикамизда оналар саломатлигини тиклаш борасида қатор ишлар амалга оширилаётганлигига қарамай, аёллар ўртасида ногиронлик ҳолатлари айтарли камаймаяпти. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-таъминот вазирлиги ва республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда уюштирган семинар-кенгашда аёллар ўртасидаги ногиронлик ҳолатларининг олдини олиш, уларга даволанишлари, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар, бу борадаги камчилик ва муаммолар хусусида сўз борди.

Бир қатор тегишли вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари ва жамғармаларнинг раҳбарлари қатнашган семинарда келгусида амалга ошириладиган ишлар юзасидан тадбирлар ҳам белгилаб олинди.

ИБОЛИ ҚИЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Термиз шаҳрида бўлиб ўтган «Иболи қизлар» кўрик-танловига Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳомийлик қилди.

Сурхондарёнинг туман ва шаҳарларидан ташриф буюрган ўн тўрт нафар навқирон қиз, келинчаклар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Беллашув тўртта шартга кўра олиб борилди. Бунда беллашувчилар ўзларининг пазандаликда, гап-сўзда, меҳмон кутишда, кийиниш, юриш-туришда, қўшиқ, шеър, мақол айтишда, рақс тушишда пешқадамликлари, моҳирликларини томошабинларга кўрсатишди.

Алқисса, бир неча соатлик баҳслардан сўнг Жарқўрғон туманидан ташриф буюрган ўқитувчи Матлуба Ниёзова биринчи, Денов туманидан келган ўн етти ёшли Нигора Лутфуллаева иккинчи, Денов шаҳридан ўқитувчи Муслима Муродова учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Ўз мухбиримиз

Удумларимиз

«ЭШИГИНГИЗНИ СУПУРГАНИ КЕЛДИК»

Халқимизда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, ўзида миллат қиёфасини ойнадек акс эттирувчи кўплаб урф-одатлар ва удумлар бор. Бундай одатлардан бири қиз танлашдир. Қиз танлаш одати жумҳуриятимизнинг ҳар бир вилоятида ўзига хос. Ҳатто бу одат айрим вилоятнинг турли туманларида ҳам турлича кўринишга эга. Масалан, биргина Самарқандни олиб қарайдиган бўлсак, Самарқанд шаҳри, Булунғур, Хатирчи ва Ургут туманларида қиз танлаш одатининг хилма-хиллигини кўриш мумкин.

Булунғурда остона хатлаб келган совчиларнинг оёқ кийимлари кийишга шай қилиб қўйилгани, норозилик аломати ҳисобланади. Яна булунғурлик онахон совчиларнинг «фалон куни яна келармиз», деган гапига сукут сақлаши ҳам норозилик аломатидан дарак беради.

Ургутликлар ҳеч қачон дабдурустдан қизникига совчи йўлламаганлар. Бунда албатта, йигитнинг иззат-нафси, шаъни ҳамма нарсадан устун қўйилган. Шунинг учун ҳам йигитнинг онаси қариндош-уруғи, қўни-қўшни, маҳалла-кўй, ҳамқишлоқларидан сир сақлаган ҳолда қизникига бориб келиб, иккала она бир қарорга келишгандан кейингина ҳақиқий совчи юборилади.

Самарқанд шаҳрида агар совчилар олиб келган нарсалар пиширилиб, дастурхонга тортилса, хурсанд бўлаверинг, бу розилик аломатидир.

Тошкентда совчилар биринчи марта келганларида қизнинг уйидагиларига «эшигингизга қулчиликка келдик» ёки «эшигингизни супуриб кетайлик, деб келдик», деган гаплар билан мақсадларини англатадилар. Совчилар 3—4 марта келиб, қиз томондагиларнинг сал бўшашганини сезгач, навбатдаги келишларида ўзлари билан бир саватда патир ёки нон ҳамда ширинликлар олиб келади. Агар қизнинг уйидагилар совчилар олиб келган патир ёки нондан ва ширинликлардан озроқ олиб ўрнига ўзларининг нонларидан қўшиб қайтаришса, демак тез орада тўй бўлади. Бу тошкентликларда «нон алмаштириш» дейилади. Агар акси бўлса, демак, тўй бўлишига розилик берилмаган.

Жиззахлик йигит уйланиш ниятини аввало янгасига билдиради. Янга бу хабарни қайнонасига етказади. Шундан кейин оқ от минган совчи қизникига қатнай бошлайди. Совчи келган қизнинг ота-оналари маслаҳатлашиш учун қариндош-уруғларини йиғади. Совчининг навбатдаги келишида розилик аломати сифатида оқлик (оқ рўмол ёки белбоғ) берилиб, маълум бир кунни белгилаб, шу куни совчиларнинг яна бир келиши таъкидланади. Ўша белгиланган кун жиззахликларда «тилло санади» деб аталиб, бу куни йигит томонидагилар қути (кичик сандиқча)да келин учун бир сидрадан бош-оёқ сарпо ҳамда ойна, турли тақинчоқлар олиб келишади ва тўй куни ҳам келишиб олинади.

Бизнинг бу муқаддас одатларимиз, удумларимиз кечагина пайдо бўлмаган, шунингдек бугунги кунда тугаб қолмайди ҳам. Зеро, бугунги кунимиз узоқ ўтмишнинг акс садоси, узвий давоми ҳамдир.

К. МАҲМУДОВА,
филология фанлари номзоди

Луқма

ТУШУНМАГАН БЎЛСА...

Мабодо Шўрчи тумани марказига йўлингиз тушса, Энгелс ва Советская кўчаларидан ўтмаслигингиз мумкин эмас. Чунки бу кўчалар катта, марказий кўчалар саналади. Лекин энди биз юрадиган кўчалар ҳеч қачон бу номлар билан юритилмайди. Ҳоким ҳазратлари наҳотки ҳали ҳам ушбу ҳақиқатни тушунмаган бўлса? Тушунмаган бўлса, нега ҳоким бўлиб ўтирибди, деганлар ҳам топилади, албатта...

Иккинчи манзара — бу энди Термиз шаҳрида. Деҳқон бозорига олиб борувчи Педагоглар кўчасидан катта ҳам, кичик ҳам, оддий фуқародан тортиб, катта амалдоргача тинимсиз ўтади. Ана шу кўча бўйида китоб савдоси идораси бор. Собиқ СССР герби тасвири туширилган тахтачада шундай ёзувни ўқийсиз: «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети нашриётлари, полиграфия ва китоб савдоси». Идоранинг қоқ манглайидаги бу чиройли ёзувларга китоб савдоси директори З. Абдуллаева кўникиб кетган. Бундай кўникмаларга барҳам бериш керак, опажон!.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,
Сурхондарё вилояти

Соғинч

БАҲОРИМ ЭДИНГИЗ, ОНАЖОН!

Ҳар доим таваллуд топган кунингиз яқинлашганда сизнинг шаънингизга илиқ сўзлар, самимий тилакларим битилган мактубимни берардим. Мактубимни ўқиб, «Қарқуноғим (сиз мени шундай деб эркалардингиз), бунчалар гапга чечансан, илоҳим, тан-жонинг соғ, бахтинг бутун, қаламинг ўткир бўлсин», — деб дуо қилардингиз. «Ҳеч қачон ғам, алам, армон ҳақида эмас, фақатгина ширин орзу-умидларингни, ҳаётингдаги энг шодлик кунларингни ёзгин», — деб бошимни силардингиз. Лекин ўша бетоб дамларингизда ҳам, ҳозирги кунда ҳам орзу-умидларим, шодликларим ҳақида бирор сатр ёза олмабман.

Яна таваллуд кунингиз яқинлашиб қолди, онажон! Лекин мен бугун сизга Оллоҳдан узоқ умр, соғлиқ-омонлик, қилган меҳнатларингиз роҳатини кўриш эмас, балки охиратингиз обод бўлишини, илоҳим, бу ўткинчи дунёда билибми, билмай қилган гуноҳларингизни авф этишини, қабрингиз нурга тўлишини сўраб, илтижо қилиб дил сўзларимни битмоқдаман.

Онажон, кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтгани сари сизни тобора кўпроқ қўмсаяпман. Ўзимни ёлғиз, кимсасиздек сезяпман. Шундай дейману, яна сиз бот-бот такрорлайдиган «Болам, ота-она ўлмоғи мерос», — деган сўзларингиз ёдимга тушгач, анча таскин топгандек бўламан. Ўзимча ўйланиб қоламан, онажон. Ҳар бир инсоннинг ҳаётда тутган ўрни бўларкан. Она фарзандини қанчалик суюб эркаласа, фарзанд ҳам уни шунчалик суюб ардоқларкан.

Бугун бошимга бирор бир ташвиш тушганда бошимни силовчи, шодлик кунларимда эса қувончимга шерик бўлгувчи, бетоб бўлган кезларимда менга тасалли бергувчи, мен учун дунёда барча нарсалардан-да устун турувчи азиз инсон — сиздек кўнгли пок, беғубор онажонимни қўмсаб, дилимга армон чўкади. Мана, онажон, сиз фасллар ичида энг суйгувчи баҳор ҳам ўтди. Ҳар баҳор мен сиз билан табиатдаги гўзалликларга ошно бўлиб, боғу роғларни бирга кезардим. Бу баҳор ҳам сиз билан бирга кезгим, узоқ-узоқ суҳбатлар қургим келди. Лекин баҳорнинг бу галги гўзаллиги ҳеч ҳам мени ўзига жалб қила олмади. Чунки бу баҳор ёнимда сиз йўқ эдингиз, онажон!

Шоҳиста ЮСУПОВА,
Тошкент шаҳри

Иншолар танловига

ИЛМ — ИНСОН ЗИЙНАТИ

Одамда олам жамоли кўринади. Тўғрироғи, одам оламни гўзал қилиб туради.

Одам яхши фазилатлари билан гўзалдир. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини, роҳат-азобини, меҳнату машаққатини тотиб, ибрат олиб яшаши учун ақл берилган одамга. Менимча, одам фақат еб-ичиш учун яшамайди. Унга маънавий озиқ ҳам керак бўлади. Ҳаёт машаққатларига бардош бериб, ўз ўрнини топган одам бахтлидир. Ҳамма одамлар ҳам ана шундай бахтга муяссар бўла оладими, деган савол мени ўйлантирмоқда. Тенгдошларим орасида меҳнатдан, илм олишдан ўзини олиб қочадиганлар оз бўлса-да учраб турибди. Уқиш, билим олиш, бирор-бир касб эгаси бўлиш кишидан тинимсиз меҳнат талаб қилади. Ҳаётда ёмон йўлга кириб, адашганларга ҳали ҳам кеч эмас, кўзингизни очинг, меҳнатни севинг, иродали ва матонатли бўлинг, дегим келади. Ваҳоланки, илм одам ҳаётини безайди. Мукаммал инсон бўлиб етишувида одамда илм билан бирга одоби ҳам бўлиши лозим. Кишининг одоби эса муомаласида билинади. Халқимиз: «Одоб кишининг зебу зийнати» — деб бежиз айтмаган.

Гулчеҳра Ҳамроқулова,
Андижон тиббиёт билим юрти талабаси

ЎЗБЕК ХАЛҚИ

Дастурхони файзли, ерлари унумли, боғлари гўзал, уйлари шинам, осмони мусаффо, сувлари тиниқ, қушлари ҳумо, пахтаси баракали, тўю маъракали, қўйлари семиз, ичгани қимиз, қизи чиройли, ўғли басавлат, юзида ҳурмат, мустақил давлат ўзбек халқидир.

Ўзбек — ўзига бек маъносини беради. Шундай экан, энди у ўз урф-одатларини, Наврўзи олам каби байрамларини ва ўзининг номини англаб етдики, энди унга кўз олайтириб қарашмайди.

Ўзбек халқининг жуссасида ҳали очилмаган ғоялар ва кашфиётлар жойлашган. Бизнинг аждодларимиз давлати жаҳондаги энг йирик ҳунармандчилик, илму маърифат марказларидан бири бўлган. Кўҳна Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги ажойиб меъморчилик маданияти ва ёдгорликларини ер шарининг турли томонларидан келиб кўраётган кишилар халқ усталарининг истеъдоди ва юксак бадиий маҳоратига қойил қолиб, уларга таъзим қилмоқдалар. Биз келажаги буюк давлат барпо этар эканмиз, ўлкамизнинг ана шу қудратли ўтмиши бизга катта ишонч, буюк интилиш, қувват, кучли қатъият бахш этади.

Жасур ҚАЮМОВ,
Жиззах шаҳридаги 25-мактабнинг 9 «в» — синф ўқувчиси

Фасл

КЕТДИНГ, ЎЧДИНГ(МИ?)

Мендан кейин уч ўғил туғилди. Уч ака-ука ботирлар, уч паҳлавон, уч алпомиш. Жондан азиз билдим уларни... Эркатой, ширинтойларим, деб суйдим уларни. Суянган тоғларим, ишонган боғларим, йиқилганда суягувчи, ожиза кўнглимни кўтаргувчи дилбандларим, дедим уларни...

Ажаб, мен бир хил кўз билан кўрган, нозик қўлларимдан қўймай ўстирган уч жигарим тўйим куни мени катта бўлган уйимиздан уч хил тарзда, уч хил кайфиятда, уч хил ҳолатда кузатиб қолдилар.

— Опажон, — дея бўйнимга осилди тўнғич укам Зафаржон. — Сиз узоқларга, жуда-жуда узоқларга келин бўлиб тушаяпсиз. Бир кун келиб бошингизга иш тушганда, бир парча юрагингиз аламга, кўзларингиз аччиқ кўзёшларга тўлганда, «укажон», дея атрофга зор боққанингизда мен бундан хабар тополмайман, ёрдам беролмайман, сиз томон югуриб етолмайман.

— Почча, — дея ҳайқириб, куёвтўраларни ёриб ўтиб, «У»нинг бағрига отилди сўнгра. — Опамни, менинг суюкли опажонимни биздан узоқларга олиб кетаяпсиз. Сиздан яккаю ягона ўтинчим: Унинг кўз ёшини оқизманг! Эҳтиёт қилинг!

Тўйхона бир чайқалди. Оппоқдадам кўзларида ёш милтиллади. Мени худодан тилаб-тилаб олган бувижоним бўзлаб-бўзлаб мажолсиз йиқилди. Дадажоним-да бир аҳволда қолди...

Аммо кимдир йўқ эди шу атрофда. Унинг ўрнини билдим. Сўрадим уни. Уйимизнинг кенжаси Жавлонбек қандайдир норози ҳолда жимгина хайрлашди мен билан. Биз ўтирган машина уйимиздан узоқлашаётганда Жавлонбекнинг дарвоза олдида ўксиб-ўксиб йиғлаб ўтирганини кўрдим.

Сўнг...

—Укажоним, опамиз бизни ташлаб кетди,—дея уни бағрига тортибди синглим.

— Менга соат бермай кетишди,— йиғлашни давом эттирибди укам. Синглим кўзларида ёш билан на йиғлашини ва на кулишини билмай қотиб қолганини айтиб, ҳали-ҳануз эсига тушса кулиб юради.

Бизнинг андижонча таомилга кўра, уйнинг кенжатойи келинни машинага чиқаришдан олдин куёвдан нимадир ундиради. Ё бир велосипед ёки қимматбаҳо соат. Бўлмаса опажонисини бериб бўпти. Опаси турмушга чиқса албатта бирон бир буюмга эга бўлиб олишни орзулаб юрган укагинам совғасиз қолган экан. Узга юртлик «шўрлик» почча бу таомилни қаёқданам билсин...

— Ўзимизнинг меҳрибон опажонимиз, кўнглингиз тўқ бўлсин. Сиздан ўзимиз хабар олиб турамиз, сизни ташлаб қўймаймиз, — дейди тўнғич ва ўртанча укам.

— Яна қачон келасиз опажон, тезтез келиб туринг, узоқлашиб кетманг,— хайрлашаркан кўзларимга мўлтираб қарайди кенжаси...

Салима ХОЛДОРОВА,
Бухоро вилояти

ҚАТРА

Ўтаётган кунлар кўзимга тобора майдалашиб кўринади. Одамлар шошиб, судралиб ишга отланишади. Кимдир ўтириб олиш, кимдир ўнғай жойлашиш учун автобус эшигидан ёпирилади. Резина пуфакка ўхшаган қорнига одамларни тўлдирган автобус инқиллаб йўлга тушади.

Вақтнинг ўтишини томоша қилиш учун ишга келгандек сезаман ўзимни. Энг жирканч томоша. Қаердадир ўқигандим: судхўр ўз ҳукмида бўлмаган вақтни сотиб пул ишлагани учун ҳам топгани ҳаром, деб. Мен эса ўғирлаяпман, ўзимга тааллуқсиз мулкни.

Тушлик яқинлашганидан ошқозон садо беради. Дарвоқе, қоринни алдаш керак. Кўзимни чирт юмаман-у овқатга қўшиб вақтни чайнайман. Вақт эса ҳазм бўлолмай азобланади. Аллақаеримда оғриқ пайдо бўлади. Овқат ва оғриқ таъми мени лоҳаслантиради.

Ўтаётган кунлар бир-бирига нақадар ўхшаш...

Вақтнинг шафқатсиз истеъмол қилиниши, руҳимда оғриқ пайдо бўлиши нуқул такрорланаверади, такрорланаверади.

Алижон САФАРОВ

Сўзда сеҳр, шеърда эса ҳикмат бор

СИНГЛИМГА

Илдизларин ер қаърига
Қиз сочидай тараб қўйиб.
Гуллар очиб, ёзиб баргин,
Соф ҳаводан тўйиб-тўйиб.

Йўл чеккаси, сув бўйида,
Ўтли қирғоқ, ўз уйида.
Яйраб-яйраб, топиб камол,
Бўй чўзаркан нозик ниҳол.

Кетмон ила йўлчи келиб,
Ковлади-ю, кетди илиб.
Олиб бориб ҳовли узра
Ўтқазди-да боқмай сира.

Юраберди ишин қилиб,
Ниҳол қолди бағрин тилиб.
Йўлдошлари ҳув йироқда,
Фақат танҳо у фироқда.

Ичгали йўқ бир қултум сув,
Тани қувраб, барг тўкар дув.
Она ерга бағрин ташлаб,
Арз этарди кўзин ёшлаб.

Қани энди бир меҳрибон
Хабар олса ушбу замон.

Сонобар УМАРОВА

МЕН СИЗНИ СОҒИНДИМ

Ҳижрон юрагимга кирди беизн,
Тун бўйи минг бора исмингиз айтдим.
Мен сизни ўйладим, ёлғизим,
Ўйладим, жонимга жаброр қайтди.

Чорладим: «Мен сизни соғиндим,
Сизсиз бу жаҳонни ёруғ демасман.
Йўлимдан чиқсалар юз бир ошиқлар,
Ишонинг уларни ёрим демасман.

Бир лаҳза бўлсада бўлинг ёнимда,
Интизор умримга бир бора қайтинг.
Етаклаб келсинлар сизни соғинчлар,
Бир бор соғиндим, деб шивирлаб айтинг!»

Баҳорни соғинган гул каби ёниб,
Соғинчли тунимни кафтимда тутдим,
Бошдан-оёғимга айрилиқ ботиб,
Юрагим висолнинг тонгини кутди....
Мен сизни соғиндим, ёлғизим!

Дилфуза БЎРИБОЕВА,
Тошкент шаҳри

Дераза

ЁЗ — ЁНҒИНЛАР ФАСЛИ

Ёз фасли келиб кунлар исиши билан Россия ўрмонларида одатдагидек ёнғинлар ҳам бошланди. Мамлакатда кунига ўртача 150 та янги ёнғин ўчоғи қайд этилмоқда. Масалан, ўрмонларга бой бўлган Бойкўл орти ҳудудида 55 минг гектар дарахтзор олов ичида қолган. Маблағ, замонавий техника воситалари ва ишчи кучининг камлиги туфайли ёнғинга қарши кураш қийин кечаяпти.

САЙЁҲЛАРНИ ТУНАШМОҚДА

Ставропол ўлкасида Калашников автоматлари билан қуролланган уч номаълум шахс Доғистондан Москвага кетаётган автобусни тўхтатишди. Москвага «ҳам саёҳат, ҳам тижорат» ниятида кетаётган йўловчилардан 300 миллион рубл тортиб олиб, кўздан ғойиб бўлишди.

НОИЛОЖ ҚОЛГАЧ

67 ёшли нафақахўр, иккинчи гуруҳ ногирони Свердлов вилоят ижтимоий таъминот бошқармасига катта сумка билан кириб келди ва йил бошидан бери ололмаётган пенсиясини дарҳол беришмаса, ҳаммани портлатиб юборишини айтиб дўқ урди. Етиб келган милиция ходимлари узоқ тортишувлардан сўнг чолдан сумкани олишга муваффақ бўлдилар. Унда ҳеч қанақа бомба йўқ экан. Ҳатто нонга ҳам пул тополмай ночор аҳволда қолган қария шу йўл билан «собес»дагиларни бир қўрқитиб қўймоқчи бўлибди, холос.

ТАБИАТГА МУНОСАБАТ

Швейцарияда атроф-муҳитга, табиатга бўлган муносабат ҳам ўзгача. Яқинда 50 йиллик улкан дарахт ўсиб турган жойдан янги автомагистрал ўтиши керак бўлиб қолди. Дарахтни ҳеч ўйланмай кесиб ташлашлари ҳам мумкин эди. Лекин маҳаллий маъмурият ва табиатни муҳофаза қилувчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан у бошқа жойга кўчириб ўтқазилди.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

«Оила ва жамият» газетаси пул ўтказиш йўли билан Ф—168 форматли 10 тонна қоғоз

СОТИБ ОЛАДИ

Телефон: 33-28-20, 34-86-91

Табриклаймиз!

Дадажонимиз Теша МАМАНАЗАРОВ!

50 ёшингиз билан қутлаймиз. Хонадонимизни чароғон этиб турушингизни Аллоҳдан сўраб,

рафиқангиз, фарзандларингиз ва набирангиз Вазирабону

Ҳурматли ХАЛИМАХОН, ойижон, бувижон!

Сизни таваллуд топган кунингизга 60 йил тўлиши муносабати билан муборакбод этамиз. Оллоҳ Сиздан ҳеч қачон нурли ва ёруғ кунларини дариғ тутмасин. Илоё, бахтимизга соғ-саломат бўлиб фарзандларингиз, невара-чевараларингиз қуршовида юринг.

Эҳтиром ила Бобохоновлар оиласи

АСАЛХОНга

Қутлуғ бўлсин қадаминг
балоғат остонасига,
Сеҳр оламига ғарқ ёшлик
кошонасига,
Болалик шўхликлари
«хайр» дея қўл силтар,
Ёшлик завқи айланар
қалбинг парвонасига.

Олам эзгу ниятлар, уй-хаёлга йўлдошинг,
Тонгда лаб очган гунча дугона-ю сирдошинг,
Ота-онанг дуода тилар илму камолинг,
Ҳаёт сўқмоқларида Оллоҳ бўлсин, қўлдошинг.

Адажон, опажон, Адибахон, Адолатхон

Ҳурматли Юлдузой ХОЛМЎМИНОВА!

Сизни таваллуд кунингиз билан самимий қутлайман. Бахт-саодат тилайман. Омад ҳамиша ёр бўлсин.

Акангиз Жўрақул

Тўйингизни ўтказиш учун бизда барча имконият бор: эстрада гуруҳи, видео тасвир, зал, карнай-сурнай

Телефон: 96-55-81, 96-35-69

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз газетхонлар! Республикамиздаги барча алоқа бўлимларида газета ва журналларга 1997 йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этаяпти. Агар Сиз турли мавзулардаги қизиқарли мақолалар, хабарлар, фойдали маслаҳатлардан бебаҳра қолмай, десангиз «Оила ва жамият»га обуна бўлишга шошилинг.

«Оила ва жамият»га обуна бўлсангиз асло ютқазмайсиз!

Обуна индекси:

64654 (якка обуначилар учун)

64653 (ташкилотлар учун)

СОВРИНДА «POLAROID»

«Оила ва жамият» газетаси ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида эркин мавзуда ёзилган иншолар танлови ўтказилмоқда. Танловда мактаб ўқувчилари ва талабалар томонидан ёзилган иншолар алоҳида-алоҳида кўриб чиқилмоқда.

Иншоларнинг ҳажми бир чизиқли дафтар варағида 4-6 бетдан ошмаслиги шарт. Энг яхши иншолар газета саҳифаларида эълон қилинади.

Ғолиблар қуйидагича рағбатлантирилади:

1. Энг яхши иншо ёзган ўқувчига «Polaroid» русумли фотоаппарат.

2. Энг яхши иншо ёзган талабага 20000 сўм.

Танлов натижаси Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинади.

Иншоларингизни қуйидаги манзилга юборинг:
Тошкент-700000, Амир Темур
1-тор кўча, 2-уй.
Маълумот учун телефонлар: 33-28-20, 34-86-91

Ихтиролар тарихидан

КИТОБ МУҚОВАСИ

Урама китоблар учун муқова вазифасини ёғоч ғилофлар ўтаган. Лекин энг нодир ва ноёб ўрамалар учунгина шундай ғилоф ясалган. Дастлабки китоблар юмшоқ тери билан муқоваланган. Кейинчалик тери тахта муқовага тортилган, натижада муқова оғирлашган ва пишиқлашган. Рух бурчаклар ва безаклар муқовани ифлосланишдан сақлаган, илгак ва қулфлар унинг қаппайиб кетишига йўл қўймаган.

КЎЗГУ ЯСАШ СИРИ

Одам дастлаб тиниқ сувга қараб ўзига оро берган. Бироқ тиниқ сувни ҳозирги кўзгу каби кўтариб юриб бўлмайди-ку. Шу боис бронза ва кумуш кўзгулар яратишга уринишган. Қадимда асл пўлат ҳам кўзгу вазифасини ўтаган. Металл қорайиб қолмаслиги учун ойна билан пана қилинган. Секин-аста ойнага симобли қалайи, алюмин ва бошқа металлар аралашмасидан тайёрланган юпқа парда қоплаш мумкинлигини билиб олишган. Шиша кўзгу ишлаб чиқариш анча пайтгача сир сақланган. Ҳатто шишали кўзгу тайёрлаш сирини французларга айтиб қўйган венециялик бир неча уста бу «оғиз бўшлик» учун қатл этилган.

МАГНИТОФОН

Ўтган асрнинг охирида даниялик Паулсен товушни ёзиб олувчи магнит мослама яратган. «Телеграфон» деб аталувчи ўша аппарат ёрдамида товуш пўлат симга ёзиб олинган. Ғалтакка ўралган сим узилаверганидан товуш ёмон эшитилган... Биз қўллайдиган «магнитофон» сўзи ўша аппарат номининг бузиб ишлатилишидир. Замонавий магнитофон 1934 йили немис инженери томонидан ихтиро қилинган.

Нормўмин ЎТАНОВ,
ТДИУ «Ўзбекистон тарихи» кафедраси аспиранти

Ҳикматлар хазинаси

СУКУТ — ДОНОЛИК БЕЛГИСИ

Бир киши Умар ибн Абдул Азиздан сўради:
— Қачон гапирган маъқул?
— Индамай тургинг келган пайтда, — жавоб қилди у.
— Қачон сукут сақлаган маъқул?
— Гапиргинг келган пайтда.

* * *

Холид ибн Сафван тинмай жавраётган бир одамга қараб деди:
— Эй, Оллоҳнинг бандаси, билгинки, сўзамоллик кўп гапиришда намоён бўлмайди, балки қисқа, аниқ сўзлашдан иборатдир.

* * *

Ҳалифа Умар ибн ал-Ҳаттоб шундай деган: «Уч нарсадан эҳтиёт бўлиш керак: биринчиси — зиқналик, иккинчиси — ҳиссиётларга берилиш, учинчиси — ўзига ортиқча баҳо бериш».

* * *

Тўрт тоифа одамлар борки, умри андуҳда ўтади: золимлар, ҳасадгўйлар, фозиллар ичига тушиб қолган жоҳиллар, тан олинмаган файласуфлар.

* * *

Ёлғончининг ўғридан фарқи йўқ. Ўғри молингни, ёлғончи ақлингни ўғирлайди.

* * *

Сенинг фойданг учун ёлғон сўзлаган одамдан хурсанд бўлма. Зеро, бошқа сафар у ўз ёлғонини сенга қарши ишлатиши мумкин. Сенинг олдингда бировни ғийбат қилган одам бошқа жойда сенга ҳам ғийбат қилиши мумкинлигини унутма.

* * *

Луқмон шундай деган: «Сукут сақлаш — донолик белгиси. Лекин кўплар сукут сақлашни билмайдилар».

Ҳуқуқингизни биласизми?

КЕЙИНГИ ПУШАЙМОНГА НА ҲОЖАТ?

Мухбиримиз Дармон ИБРОҲИМОВ Тошкент шаҳар ДАНБ тарғибот маркази бошлиғи, милиция подполковниги Азиз ЭРНАЗАРОВ билан суҳбатда бўлди

— Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда юртбошимиз фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ниҳоятда катталигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, агар биринчи марта бирор жиноят ёки қоидабузарлик содир этганлар билан суҳбатлашиб, таҳлил этиб кўрадиган бўлсак, уларнинг аксарияти ҳатто энг оз миқдордаги ҳуқуқий билимга эга эмаслиги аён бўлади.

Билишимизча, содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларида пиёдаларнинг «иштирокида» анча юқори экан...

— Дарҳақиқат, таҳлилларга назар ташласак, шаҳар кўчаларида рўй бераётган йўл-транспорт ҳодисаларининг учдан икки қисми ёки 70 фоизи айнан пиёдаларнинг айби билан содир этилмоқда.

МАЪЛУМОТ УЧУН. Тошкент шаҳрида ҳар куни ўртача 600 нафар пиёдага йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун далолатнома тўлдириб, жарима солинади. Йил бошидан бери эса 93537 қоидабузар пиёда аниқланди. Асосан йўлни мумкин бўлмаган жойда кесиб ўтиш, светофор чироқларининг кўрсатишига риоя қилмаслик, махсус йўлаклар қолиб катта кўча ёқалаб юриш каби қоидабузарликлар кузатилади.

Бу рақамлар нимадан далолат беради? Аввало, маълумки, бир шахс ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун махсус курсларда ўқийди, имтиҳон топширади. Пиёдалар эса ҳеч қаерда ўқимайди, уларнинг гувоҳномаси ҳам йўқ. Тўғри, мактаб ўқув программасига «Йўл ҳаракати қоидалари» номли махсус курс киритилди. Суриштириб кўрилганда шу нарса маълум бўлаяптики, бу курс айрим мактабларда номигагина дарс жадвалига киритилиб, деярли ўқитилмаяпти. Бошқа бир қанча мактабларда ўзлари йўл ҳаракати қоидаларини билмадиган, ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган ўқитувчилар бу дарсларни ўқитаяпти.

— Айрим ота-оналар ҳали балоғатга етмаган фарзандларига машинани бериб қўйишади. Оқибатда ҳунук ҳодиса рўй берса, «аттанг», деб бош чанғаллаб қолишади. Бундай мисоллар ҳам кам эмас-ку, тўғрими?

— Жиддий саволни ўртага қўйдингиз. Унга битта мисол билан жавоб қайтараман. Фарзандларини эркалатиб, машина калитини бериб қўядиган айрим ота-оналар тегишли хулоса чиқариб олишар. Яқинда Юнусобод туманида рўй берган йўл-транспорт ҳодисаси фожиали якунланди. 15 ёшли ўспирин йигитча ота-онасининг рухсати билан «Москвич» русумли машинани ҳайдаб кетади. Ваҳоланки, бу бола ҳали балоғатга етмаган, на ҳайдовчилик гувоҳномаси, на йўл ҳаракати қоидаларидан хабари бор эди. Ота эса бу нарсани унутди, ўғлининг ҳою-ҳаваси олдида ожизлик қилди. Оқибатда бу йигитча тезликни белгиланганидан анча-мунча ошириб юборди, бошқа бир қанча йўл қоидаларини ҳам бузди ва ўзи тенги йигитчани босиб кетди. У воқеа содир бўлган жойнинг ўзида ҳалок бўлди.

МАЪЛУМОТ УЧУН. 1997 йилнинг беш ойи (январ-май) мобайнида Тошкент шаҳри кўчаларида рўй берган 915та йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида 92 киши ҳалок бўлди, 1032 киши тан жароҳати олди. Халок бўлганларнинг 10 нафари ёш болалар.

Суриштириб, билганимизда ўша ҳалок бўлган йигитчанинг аъло баҳоларга ўқиб, мактабда, маҳалласида обрў-эътибори юқорилиги, намозхон эканлиги маълум бўлди. Бир бебош боланинг эркатойлиги оқибатида келажакда етук инсон бўлиб етишиши мумкин бўлган йигит ҳаётдан кўз юмди.

Ушбу ҳодиса юзасидан тергов ишлари олиб борилаяпти. Айбдор йигит жазоланиши муқаррар. Ўғиллари умрининг энг навқирон дамларини панжара ортида ўтказишида ота-онанинг айби айниқса катта.

— Шу масала билан боғлиқ яна бир савол: ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг қайси турлари кўпроқ бузилади?

— Кундалик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, маст ҳолда автомобил рулини бошқариш, тезликни белгиланган меъёрдан ошириб юбориш, светофорнинг қизил чироғида ўтиб кетиш, мумкин бўлмаган жойлардан қайрилиб олиш каби қоидабузарликлар ҳайдовчиларимиз учун одатга айланиб қолганини кўрамиз. Аввало, спиртли ичимликлар ичгандан кейин, руҳий зўриқиш, кучли ҳиссиётга берилган ҳолатда машина рулига ўтирмаган маъқул. Қолаверса, бир неча дақиқага чидамай, светофорнинг қизил чироғида ўтиб кетиш, тезликни ошириш ҳам ҳунук оқибатларга олиб келиши мумкин.

МАЪЛУМОТ УЧУН. 1997 йилнинг беш ойида (январ-май) пойтахтимизда юз берган 915та йўл-транспорт ҳодисасидан 35таси маст ҳолда машина ҳайдаш, 45таси тезликни ошириш, 113таси светофорда тўхтамаслик оқибатида содир бўлган.

— ДАН ходимлари орасида ҳам ўз «манфаат»ларини ўйлайдиганлари топилиб туради. Ана шундай кимсалар аниқланса, уларга қандай чоралар кўрилади?

— Беш қўл баравар бўлмаганидек, бизнинг орамизда ҳам нопок шахслар бор. Ундайларни аниқлаш учун махсус хуфёна текширувлар ўтказилади. Пора олиш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланса, иш прокуратура органларига оширилади. Қонунни яхши билмайдиган бирор фуқаро жиноят содир этса, уни ҳар ҳолда тушуниш мумкин бўлар. Аммо ўзи қонун ҳимоясида турган милиция, хусусан, ДАН ходими жиноятга қўл урдими, жазоланиши аниқ.

— Фикрларимиз қуруқ бўлмаслиги учун аниқ бир мисол айтиб бероласизми?

— Марҳамат. Ўтган йили Тошкент шаҳар ДАН бўлинмаси командир ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган, унвони майор бўлган ходим катта миқдорда пора олаётганда қўлга тушди. Суд уни 12 йилга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

— Ишонамизки, ДАН ходимлари орасида сидқидилдан хизмат қилиб, эл олқишига сазовор бўлаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Келинг, ўша инсонлар ҳақида гаплашайлик.

— Саволингизга жавоб тариқасида «Роҳат» ДАН масканида рўй берган воқеани айтиб берай. Масканда навбатчилик қилаётган капитан Муродхўжаев катта юк машинасини тўхтатади. Ҳужжатларини кўргач, машинани ҳам кўздан кечирмоқчи бўлади. Шунда машинадаги йигитлар капитанга катта миқдорда пул-доллар таклиф этишади. Бу ҳол ходимимизнинг шубҳасини янада оширади. Пул билан осонгина қутилиб кетамиз, деб ўйлаган йигитлар энди қатъиятли капитанга қурол ўқталишади. Лекин Муродхўжаев ва унинг шериклари бу ҳолдан эсанкираб қолмай, олишувга киришадилар. «КамАЗ»даги йигитлар қуролсизлантирилиб, ҳибсга олинади. Машина текширилганда кўп миқдорда қурол-яроғ, гиёҳванд моддалар ва турли ниқоблар топилди. Мана шу жасорати учун Муродхўжаевга муддатидан олдин майор унвони берилди.

МАЪЛУМОТ УЧУН. 1997 йилнинг ўтган беш ойида ДАН ходимлари томонидан транспорт воситаларини ўғирлаш билан боғлиқ 2та, гиёҳвандлик билан боғлиқ 104та, ноқонуний қурол сақлаш билан боғлиқ 24та жиноят фош этилди. Умуман, январ-май ойлари мобайнида шаҳар ДАНчилари 867та жиноятни очишда иштирок этишди.

— Келинг, энди суҳбатимиз мавзусини сал ўзгартириб, ДАН ходимларининг маънавий олами тўғрисида фикрлашайлик.

— Милиция, ДАН ходими ҳар томонлама маданиятли бўлиши керак. Унинг ўзи маданиятли бўлмай туриб, бошқалардан маданиятли муомала, маданиятли хатти-ҳаракат талаб қилишга маънавий жиҳатдан ҳақли бўлмайди.

Қисқа сатрларда

АВТОМОБИЛДАН САҚЛАНИНГ!

Ҳамза туманидаги 216-мактаб ўқувчиси А. Ш. ВАЗ-2121 русумли машинанинг орқасига осилиб йиқилди ва тан жароҳати билан касалхонага ётқизилди.

***

Сирғали туманидаги 268-мактабнинг 3-«б» синф ўқувчиси М. М. мактабга бораётиб Тошкент автомобил ҳалқа йўлига чиқиб кетади. «Икарус» автобуси ҳайдовчиси кутилмаганда йўлга чиқиб қолган болани уриб юборади. М. шу жойда ҳаётдан кўз юмди.

***

«ГАЗ-24» автомашинасини ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқариб бораётган Ф. Х. Х.Абдуллаев — Ф. Хўжаев кўчалари кесишган жойда йўл ҳаракати қоидасини қўпол равишда бузади. Оқибатда пиёда Г. Ш.ни ва унинг 11 яшар қизи ҳамда 5 яшар ўғлини уриб юборди. Улар тан жароҳати билан касалхонага ётқизилди.

***

Юнусободдаги 20-мактаб ўқувчиси С. Г. бекатда автобусдан тушиб, унинг олдинги тарафидан йўлни кесиб ўтмоқчи бўлади. Натижада уни ВАЗ-2106 русумли машина уриб юбориб, жароҳат олди.

ҚУРОЛЛИ ҲАЙДОВЧИЛАР

«Уч қаҳрамон» ДАН масканида Қозоғистон фуқароси И. Ш. бошқариб бораётган ВАЗ-2104 русумли енгил машина текшириш учун тўхтатилганда ҳайдовчининг ёнидан Италияда ишлаб чиқарилган «VALTPO» русумли газ тўппончаси ва ўқлари топилди.

***

Шу йил 16 январ куни «Бахт» ДАН масканида давлат рақами А 513 МО 55 бўлган ВАЗ-2108 русумли машина тўхтатилди. Машина ҳайдовчиси, Россия фуқароси Э. А. ўзи билан «Асент» русумли, 9-ммли ўқ отар қурол олиб юргани маълум бўлди.

***

Худди шу куни «Турбанов» ДАН масканида ГАЗ-3307 русумли машинани бошқариб бораётган жиззахлик Л. У. текшириш учун тўхтатилди. У машинасидаги 100 минг дона ўқ-дорига бирорта хужжат кўрсата олмади.

ДЕКЛАРАЦИЯСИ ЙЎҚ ЭКАН

Шу йил 28 январ куни «Уч қаҳрамон» ДАН масканида А. А. бошқариб бораётган ВАЗ-2103 русумли енгил автомашина тўхтатилди. Ҳайдовчи бир миллион сўм пулни ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб кетаётган экан.

17 феврал куни худди шу ДАН масканида ВАЗ-21099 русумли машинани бошқариб бораётган М. Б. текшириш учун тўхтатилди. Қозоғистон Республикаси фуқароси бўлган бу жаноб 320000 тенгени декларациясиз олиб юрганлиги маълум бўлди.

Абдураҳим ҲАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ДАНБ тарғибот маркази ходими, милиция катта лейтенанти

ДИЙДОР ҚИЁМАТГА ҚОЛМАСИН

Кўзгудаги ўзимиз

Бир гал қишлоққа борганимда қўшнимиз Бурайҳон ая дабдурустдан сўраб қолдилар:

— Қизим, шаҳардаги қарилар уйида ўзбек чол-кампирлари ҳам бор эмиш, шу ростми?

— Ҳа, бир-иккита бўлса бордир, — дедим.

— Вой, мен ҳали ишонмасдан юрибман, чин экан-да, Менга қара, сен шаҳарда юрасан, бордию шунақа ҳеч кими йўқ қари кишилар учраб қолса, бизнинг адресимизни айт, хўпми? Мен уларга уйимдан жой бераман.

Менинг соддагина аям! У қариялар уйидаги кексаларни ҳеч кими йўқ кишилар деб ўйлайди. Билмайдики...

Билмаганиям яхши!

* * *

Яқинда ҳамкасбларимдан бири мақола ёзиш ниятида қариялар уйига бориб келди. Мен у ердаги аҳвол билан қизиқдим. Шунда у гапириб берди:

— Ўнтача ўзбек чол-кампирлар бор экан, айримлари билан суҳбатлашдим. Ҳаммасининг ҳам фарзандлари, қон-қариндошлари бор. Лекин, биласизми, улар фарзандларини сираям айблашмади, «ўзларига тинч бўлишса, бас-да» дейишди. У ердаги шароит шунчалар яхшики — ҳар бир қарияга алоҳида хоналар берилган. Бироқ... Улар мендан битта нарсани ёзишимни илтимос қилишди: «Ўликхонамизни таъмирлатиб, янгисини қуриб беришса...» дейишди.

Ҳамкасбимнинг гапидан сесканиб кетдим. Кўнглимга совуқ ўй оралади: «Уларнинг ўз туғишганлари билан дийдорлашуви қиёматга қоларканда!»

Бу аёлнинг кўзлари жуда-жуда маъюс эди. Гўё юрагидаги дарди қорачиқларининг ич-ичигача сингиб кетганди. «Сизга айтмоқчи бўлганларимни қоғозга туширолмадим, — деди у. — Ёза бошласам, негадир қўлим қалтирайди. Мен айтай, сиз ёзинг...» у кўз ёшларини артиб, сўнг оҳиста сўзлай бошлади:

— Раҳматли онам бир куни айтувдилар: «Сен туғилишинг биланоқ икки соатча тинимсиз йиғлагансан. Туғруқ столида ётибману, нуқул «ҳозир ҳолдан кетиб, ўлиб қолади» деб ўйлайверганман. Жон ҳолатда дояни чақирганман. Шунда у: «Қўрқманг, ўзингизни ўйласангизчи, опа. Эшитмаганмисиз, чақалоқлар туғилиши биланоқ пешонасига унинг тақдири битиларкан, улар шунинг оғриғига чидолмай йиғлашаркан» дея ҳазил қилди. Шундан сўнггина хотиржам бўлгандим...»

Онамнинг ўша гапларини энди-энди ўйлайман. Мен шўрликнинг пешонасига шунчалик аччиқ тақдир битилган эканки, ўшанда шунинг оғриғидан тинимсиз йиғлаган эканманда! Ҳаммаси турмушга чиққанимдан сўнг бошланди. Ўн йил яшаб фарзанд кўрмадик. Сўнг ажрашдик. Анча вақт ўтгач, бошқа бир киши билан тақдиримни боғладим. Саккиз йилларча бирга яшадик, у одам шаҳардаги ҳовлимизни сотиб, мени ўзи билан Қашқадарёга олиб кетди. У ёққа эндигина ўргана бошлаганимда, уйдан «Отанг оғир касал» деган хабар борди. Йўлга тушдим. Отам жон бераётиб: «Қизим, фарзандинглар бўлмади, энди эринг сен билан кўп яшамайди, иззатинг борида у ёққа қайтиб борма» деди. Ота уйимда кенжа укам турарди, падаримиз вафотидан сўнг шу уйда яшай бошладим. Лекин, кўп ўтмай кенжа келинимиз мени ёқтирмаётганини пайқаб қолдим. Сўнг катта укамникига кўчиб ўтдим. У ердаям келинимиз қовоқ-тумшуғини осиб олди.

Ўша кунларнинг бирида қишлоқ оралаб тижорат қилиб юрадиган бир аёл билан танишдим. У менинг аҳволимни эшитиб, уйига олиб кетмоқчи бўлди. «Меникида тинчгина яшайсиз» деди, ишондим. У билан кетдим. Бу аёл тижорат билан узоқ юртларга бориб келарди, мен болаларига қараб, уйини чиннидай қилиб ўтирардим. «Энди жоним осойиш топди» деб қувондим ҳам. Лекин... Бир куни у «Сизни Самарқанддаги қариндошларимизникига ўйнатиб келаман» деб олиб кетди. Олисдаги тоғ қишлоқларидан бирига бордик. Уч-тўрт кун ўтгач, аёл менга тўсатдан: «Сиз шу ерда қоласиз. мана бу одам билан бирга яшайсиз» деди. Қарасам, соч-соқоли ўсиб кетган, исқирт бир одам тиржайиб турибди. Жон ҳолатда: «Йўқ, қолмайман» дедим. Шунда ўша киши: «Ҳой ойимча, сенинг учун бу аёлга мен қалин пули берганман» деди. Даҳшатга тушдим, лекин бошқа илòжим ҳам йўқ эди. Ишонасизми, йигирма кунча яшадим шу одамникида, ўлгудай қўпол, оғзи шалоқ киши экан. Қилиқларига ҳеч тоқат қилолмадим, охири уникидан қочиб кетдим. Тошкентгача автобусга ўтириб келдим: ёнимда бир чақаям пулим йўқ, ҳайрият шофёр инсофли экан, мени тушунди. Ҳозир студент жиянларим турадиган ижарахонада вақтинча яшаяпман...

Бу аёлнинг қисмати ўзи ўйлагандан ҳам кўра аччиқроқ эди. Наҳотки ҳаётнинг аёвсиз зарбалари етмаганидек, ўз жигарлари томонидан ҳам хўрланса у. Қай гуноҳлари эвазига...

* * *

Қишлоғимизда Саидбек деган киши яшайди. Уни ҳамма ҳурмат қилади. Айтишларича, ота-онадан эрта етим қолишгач, Саидбек икки укаси ва синглисига ўзи бош бўлиб қолган. Ишлаб, пул топиб уларни боққан, ўқитган, уйли-жойли қилган. Укалари уйли-жойли, илмли кишилар бўлиб етишди. Аммо синглиси оиласида бахт топмади. Беш-олти йилда фарзандли бўлавермагач, дўхтирларга югуришди. Бироқ, шифокорлар унга «Сиз фарзанд кўрмайсиз» деб очиқ айтишди. Эрининг авзои ўзгарди. Буни сезган Саидбек синглисини ундан ажратиб олди ва уйига ёндош қилиб муъжазгина бошпана қуриб берди. Ҳатто кичик қизини унинг ёнига қўйди. Шунда қишлоқликлар Саидбекни алқашиб: «Кўп савоб иш қилдинг, яхшилигинг болаларингдан қайтади» дейишди.

Бугун ўз жигарини кўчага ташлаб қўйган киши фалак бир айланиб ўзининг ҳам бошига шундай кун тушиши мумкинлигини ўйлармикин, умуман, бундай кишилар биздан узоқдами? Ё у ёнгинамизда яшаяптими?

Агар узоқда бўлса, излаб топайлик.

Агар яқинда бўлса... Яқинда бўлса, уни инсофга чақирайлик. Токи кейин кеч бўлмасин! Шунга ўзимизни чоғлаб яшайлик.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

НАСТАРИН ГУЛИНИ СЕВГУВЧИ ҚИЗ

Туйғу

Сукунат ҳукмрон бўлган кенг хона. Хонада у ва мен...

У менинг кўзларимга тик қаролмай, нигоҳларини олиб қочади. Мен ҳам кўзларимни дераза олдидаги у севган настарин гулидан узолмай, хаёллар денгизига шўнғиб кетаман.

Эсимда... Сайёрага тенгдош болалар севги изҳор этиб, ишқ дарди тўкиб солинган мактубларни «севги элчилари» — сирдош қизлар орқали беришар эди. Аммо настарин гулини севувчи қиздан фақат рад жавоб олишарди. Мен эса ишқ дарди тўкиб солинган мактуб ўрнига уни интиқ нигоҳим билан таъқиб қилардим. Бироқ нигоҳли, таъқибли саволимга битириш имтиҳонига саноқли кунлар қолгандагина ижобий жавоб олдим.

Физикадан сабоқ берувчи ўқитувчимиз Облоқул ака қаттиққўл, талабчан инсон бўлиб, ҳар дарсда уй вазифамизни текширарди. Вазифани бажармаган ўқувчини дарс тугагунча тикка турғизиб «жазоларди». Ана шундай «жазо»дан Сайёра мени қутқариб қолди. Дафтаримни бериб туришимни сўради. Мен вазифани бажармаганлигимни айтдим. У яна дафтарни беришимни илтимос қилди. Бердим кўк жилдли дафтарни. У бироздан кейин ним табассум билан қайтарди, кўк жилдли дафтаримни. Уй вазифасини бир чеккадан текшириб келаётган ўқитувчимиз мендан «Уй вазифасини бажардингми?» деб сўради. Индамай ўрнимдан турдим. Облоқул ака стол устидаги дафтарни очиб, кўра бошлади ва «Яхши, ҳар доимгидек бажарибсан», деб менга қаради.

Мен эса унга... Сайёрага ажабланиб қарадиму унинг нигоҳларидан мен кўпдан бери саволимга излаб келаётган алангали бир жавобни топгандай бўлдим. Шу-шу биз бир-биримиз билан мана шундай сўзсиз тиллаша бошладик. Сўзсиз саволимизга фақат бир нигоҳ билан сўзсиз жавоб олардик.

Негадир Сайёралар оиласи мактабни тугатмасимизданоқ узоқ шаҳарга кўчиб кетди. Улар кетмасидан олдин Сайёраларникида йиғилдик. Яна иккимизнинг сўзсиз суҳбатимиз бошланди. У унсиз нигоҳи билан мени қаерда бўлмайин кутишини, мен эса уни қаерда бўлмасин топишимни ваъдалашдик. Кейин эса... Ойдин, юлдузли кечада яна сўзсиз нигоҳ билан хайрлашдик...

Сукунат ҳукмрон бўлган кенг хона. Хонада у ва мен...

Сайёра билан узоқ айриликдан сўнг яна учрашдик. Энди аввалгидек сўзсиз тиллашишга унинг қурби етмасди. Маъносиз нигоҳини мендан олиб қочади. Мен эса сўзсиз тиллашишга ўрганиб қолган нигоҳимни у севган настарин гулидан узолмайман. Билмадим, негадир шу дамда шоир дўстимнинг бир шеъри ёдимга тушди:

Мен англаб турибман, йўлларинг бўлак,
Минг чақирим олис менинг йўлкамдан.
Эзилган кўксимда тўлғанар юрак,
Ҳисларинг тош бўлиб босар елкамдан.

Шукрона бўлсинки, кенг ҳаёт ичра
Озми-кўп бор бўлар ҳар кимнинг зори.
Қуёш бизга боқар нурлари сачраб,
Аммо ўртамизда Хитой девори.

Ҳайҳот, шу алпозда ўтади умр —
Ёғдулар ёнида кўрурмиз соя.
Оловга айланар қоп-қора кўмир,
Сўнг олов севгимиз топар ниҳоя...

Абду ҒАНИ

ОИЛА ЗУЛУКЛАРИ

Фикр

Ўқимишли оила фарзанди бўлмиш Зулайҳо учун турмуш қурганларидан кейин Ботирдан яқинроқ, севимлироқ киши дунёда йўқдек эди. Ўз ўрнида Ботирда ҳам хотинига нисбатан муҳаббат пайдо бўлганди. Хотинининг соф муҳаббати ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаши натижасида оилада файз-барака, меҳр-муҳаббат пайдо бўлди. Бирин-кетин туғилган фарзандлари оила шодлигига шодлик қўшди. Шундай кунларнинг бирида Ботирни хизмат сафарига юборишди. Ва ана шу сафар улар ҳаётини барбод этди. У йўлда ўзидан 10-12 ёш кичик, аммо ёшига нисбатан анча катта кўринувчи, болалар уйида тарбия олган Гуля исмли аёлни учратиб, ёқтириб қолди. Ота-онасиз, етимхонада катта бўлган Гуля ҳозирда ким унга ҳимоячи бўлса, унга бир умр «супурги» бўлишини айтганида, табиатан кўнгилчан бўлган Ботирнинг бу аёлга раҳми келди. Аммо оиласини унутмади, хотини, бола-чақасига ҳар доимгидек меҳрибонлик қилди. Зулайҳо нима бўлса ҳам хотин киши эмасми, кейинги пайтларда эрининг хизмат сафарлари кўпайиб кетаётганлигидан хавотирга туша бошлади. Шундай кунларнинг бирида тўсатдан телефон жиринглади. Зулайҳо гўшакни кўтарди, телефондан аёл киши гапирар эди: «Алло, Ботир акамнинг уйларими, нега биздан хабар олмай қўйдилар, айтиб қўйинг, боласи оғриб қолди», — деди-да гўшакни қўйди.

Зулайҳо ҳаётнинг бундай зарбасидан анча кунлар ўзига келмади. Аммо қанчалар оғир бўлмасин, аввало фарзандлари ҳурмати, уларни тирик етим қилишни истамагани боис уни кечирди. Ботирнинг ўзи ҳам ич-этини еб юборгудек эзилди. Оилада ишонч йўқолди. Шу воқеадан кейин Ботир Гуляникига қайтиб бормади. Унинг бормай қўйганига аччиқ қилган Гуля ишхонасига келди-да, бор ҳақиқатни айтиб, уни кўпчилик олдида шарманда қилди. Унинг айтишича, Ботирнинг фамилиясини олган боласи бошқа бировники экан. У бетамизларча «Алимент беришни унутма, бировнинг боласига», — деб хохолаб шарт бурилиб кетди. Иш судгача бориб етди. Бола ростдан ҳам Ботирники эмаслиги маълум бўлди. Гуля эса бундай шармандаликдан ғам ҳам чекмади.

Бир лаҳзалик роҳатини ўйлаб Ботирнинг кўйига, Гуляга ўхшаганларнинг домига тушиб қолиб, оиласи олдида мулзам бўлганлар анча-мунча учраб туради. Лекин мен доимо бир нарсага ҳайрон бўламан. Нега эркаклар (ҳаммаси эмас албатта) ҳаётга енгил қарайдилар, юз-кўзи аслида кимлигини айтиб турган аёлларга илакишадилар. Наҳот оқ билан қорани фарқлай олишмаса? Эркаклар уларга парво қилмасалар, уларнинг ноғораларига ўйнамасалар бундай «оила зулуклари» кўпаймасмиди.

Мухтасар КАРИМОВА

Россия бағоят имконияти кенг ва қудратли давлат. Лекин бугун у ерда бўлаётган воқеаларни кўриб, эшитиб ёқа ушлайсан киши. Мамлакатдаги издан чиққан иқтисодиёт, маънавий ва маданий емирилиш одамлар аҳволини танг қилиб қўйди. «Бизда демократия, инсон ҳуқуқлари ҳимояда», — деб айюҳаннос солаётган Россия матбуоти бир пайтнинг ўзида жиноятчилик авж олганлигини, инсон ҳуқуқлари поймол этилаётганини баралла айтмоқда. Улар демократия, дея олға сураётган нарса анархия бўлиб чиққани айни парадокс.

Инсоннинг ўз-ўзини бошқариши, демакки, ундаги одоб-ахлоқ демократиянинг муҳим шартларидан биридир. Мана шу шарт бажарилмас экан, механизм ишламайди. Бу жараён бизга нафақат оддий фуқаролар ва матбуот органларининг, балки катта-катта мансаб эгаларининг ҳам башарасини очиб берди. Яқинда «Время» кўрсатуви бутун жаҳонга тарқатган, ЛДПР раҳбари «жаноб» Жириновский билан мухбир қизча ўртасидаги маш-машалар ҳам «Россияча ахлоқ-одоб»нинг қанақалигини кўрсатди.

Қуйидаги мақолани эса гапимиз қуруқ ва асоссиз бўлмаслиги учун эълон қилаётирмиз.

«СИЁСИЙ» ЎҚИШ
ёхуд ишдаги ишқ

Бир кун мен учун умрлик карьерани ҳал қилиб берди. Эримнинг акаси мени ўз бошлиғи ҳузурига олиб кирди. Бошлиқ қушқараш қилиб, сўнг ўз ёнига ўтқазди-да, қучоқлади. Ва майин товушда: «Оламиз. Эртаданоқ расмийлаштирилсин», деди. Мен бахтиёр эдим. Казо-казо лавозим эгасининг шахсий котибаси бўлиш, умуман касб-ҳунарсиз аёл учун чакана эмас, ахир (машинисткаликни эса кейин ўргандим). Тўғри, директорга энг аввало, «тилни тийиб юрувчи ўз одами» керак эди. Шундай қилиб, 19 ёшимда қайиноғагинам туфайли юксак лавозимли директорнинг ўз котибасига айландим.

— Бу қачон бўлган эди?

— Анча муқаддам.

— Шунча пайтдан буён кўнгилхуши эрмак бўлдингизми?

— Умуман, ҳа деса ҳам бўлаверади. Ўша биринчи директор кекса, касалванд одам бўлиб, бошини чап елкасига солинтириб қараб турарди. Қурикчи, деса бўлаверади. Ёки гладиатормиди-ей. Мен унга тез кўникиб қолдим.

— Қўлимда ишлайдиганларнинг бирортаси билан «гапинг» чиқаркан, ўша куни ишдан бўшадим, деявер, — дея огоҳлантирди у.

Директор дам олишга кетиши билан ўринбосарларидан бири (унинг вазифасини вақтинча ўтаётган) шилқимликни бошлади. Ҳингиллаб қўйдим-у, думимни тутқазмадим. Аммо у ҳам осонликча «жон» берадиган эмас экан, қилдан қийиқ ахтаришга тушди. «Шеф» билан яқинлигим туфайли ташкилотимиз ҳисобидан қариндош-уруғларимдан баъзиларига ёрдам-пордам дегандай бериб юрардим. Ана шуни билиб олибди.

— Бундай қилишга ким рухсат берган? Ишдан бўшатаман, — дағдаға қилишга тушди ўринбосар икки ҳафталик шилқимлиги натижа бермагач.

— У сизга ёқмасмиди?

— Албатта, ёқмас эди-да. Бу биринчидан, иккинчидан, кеча биттаси билан «юриб», бугун бошқасининг орқасидан кетавериш ақлимга сиғмас эди. Севги бўлиши зарур, деб ўйлардим. Бу можаро туфайли ишдан бўшатилишимга бир баҳя қолди. Касал бўлиб қолдим. Ана шу вақтда энг қизиқ иш бўлди-ку. Қайиноғам нима қилди денг? Уйимизга тинмай қўнғироқ қилади:

— Ақлингни едингми? Вақтинча бўлса ҳам бошлиқ ахир. Ишдан ҳайдаб юборса, қаёққа борасан? Сендан нима кетди...

Ҳа, ўз амал курсиси олдида унинг учун ука ҳам, келин ҳам бир чақа эди. Худди мана шу нарсалар аёл карьераси учун жуда аҳамиятли, тушунаётгандирсиз? Хулласи, қайиноғагинам мени кўндирмагунча қўймади.

— Тезда етиб кел. Сен билан «гаплашмоқчиман», — деди у кунларнинг бирида.

Келдим-да, директор кабинетига кирдим.

— Ўтир, — деди ўринбосар.

Мен унинг қаршисига ўтириб, йиғлаб юбордим. У мени юпатишга тушди, сейфдан коняк олиб очди. Ичдик. Шундай қилиб ўринбосар ниятига эришди.

— Кабинетда-я?

— Йўқ, бундай пайтда махсус хонага кирардик, сиёсий ўқиш хонасига.

— Зўр «ўқиш»лар бўларкан-у! Ўшандан кейин ишингиз юришиб кетгандир?

— Юришди. Худога шукур, у жуда айш-ишратни, қизлар билан «юриш»ни яхши кўрарди, мени онда-сондагина кўнгли тусаб қоларди. Кекса директоримиз вафотидан кейин ўринбосари унинг ўрнига келди. Мен директорим қаерда, ким билан айш-ишрат қиляпти, яхши билардим. Унинг дастури мураккаб эмас: бир шиша шампанское (онда-сонда коняк), битта жонон ва сиёсий ўқиш хонасидаги «ўқув». «Машғулот»га бори-йўғи 30-40 дақиқа вақт кетарди.

— У билан бўлган қизлар бирор имтиёз олишармиди?

— Йўқ, баъзан раҳбарлар учун аталган буюртмалар столидан фойдаланишни демаса. Гоҳо директор навбатдаги «қизи» учун бирор яхшилик қилгиси келиб қоларди. Кетворган «қизи» бор эди! Бир куни кабинетига чақиртирди. Улар узоқ гаплашдилар. Чиққандан кейин атрофини ўраб олдик.

— Нима учун чақиртирибди?

— Янги мансаб бермоқчи.

— Администраторликми?

— Паст кетманглар, шахсий котибалик!

Кўряпсизми, бу «амал» қанчалар қимматга эгалигини! Лекин бу амал гўзалга насиб этмади, директор ундан совуди, чоғи.

— Унинг бу «роман»лари сизга оғир ботмасмиди?

— Йўқ, муносабатларимиз, худдики, эр-хотинники сингари бўлиб қолган. Давринг келдими, суриб қол, менга малол келмайди, дердим. Балки уни яхши кўрмаганлигим учун шундай бўлса керак. Кейин эса у бошқа ишга ўтиб кетди. Бизга тасодифий бир одам вақтинчалик директор бўлди. Ҳамма нарсадан қўрқарди, денг, ўзи ҳам емайдиган, бировга ҳам бермайдиган хилидан. Бир куни ниманидир илтимос қилдим:

— Йўқ, йўқ, бизни айблашлари мумкин, — деди шоша-пиша.

— Бирга яшашаркан дебми?— кулдим. Унинг ранги бўзариб, юрагини чангаллади, ўлишига бир баҳя қолдия!

— Нималар деяпсан-а, нималар деяпсан, — дейди тили ғулдираб.

У билан тинчгина ишлаб юрибман, деб қувонган эдим, тинчлик узоққа бормади. Янги ўринбосар пайдо бўлиб, ҳаммаси қайтадан бошланди, гарчанд бошқа қизлар уни кўрганда ёйилиб кетсалар ҳам менга ёқмас эди. Лекин у кўзини лўқ қилиб туриб олди.

— Нима бўлди охир-оқибат?

— Нима бўлса,ўша. Иккинчи усул қўлланди. Кимнингдир туғилган кунига эр-хотин бўлиб борилади. Кўпчилик тунаб қолади. Эрталаб ҳамма ишга отланади, менга эса уйни йиғиштириш топширилади, атайин албатта. Янги директор ҳам қолади. У дейсан, бу дейсан, охири бирга ётишга мажбур бўласан. Ана шу тариқа янги роман бошланади. Ўзимизча атрофдагилардан беркитган бўламиз, лекин деворнинг ҳам қулоғи бор. Нима ҳам қилардим, қиролича сингари яшардим ўзиям. Янги директор келмагунча айшимизни сурдиг-у, буниси менинг карьерамга боплаб «тамом» тамғасини уриб берди.

— Нима, сиз унинг дидига ўтирмадингизми?

— Йўқ, бу анча мураккаб тарих. Янгининг аввалги иш жойида ўз шахсий котибаси бор экан. Хотини билиб қолиб, оламни бузибди. Шунақа жанжал қилибдики, ишдан кетишдан ўзга чора қолмабди. Севикли котибасисиз яшаш оғир эди ва бунинг аламини мендан оларди. Чунки менинг ўрнимда суюклисини кўргиси келар, шунинг учун қилдан қийиқ ахтарарди.

— Демак, сизнинг ҳикоянгиздан англашилишича, ақлли, ўзига жалб қилмайдиган аёл хизмат пиллапоясидан чиройли, лекин думбулроқ жононлардан кўра секинроқ юқориларкан-да?

— Чиройига яраша ақли ҳам бўлса, яна яхши. Лекин думбулларни ҳам юқори амалларга миндирворишади. Улар учун диссертациялар ёзиб беришади.

— Бу ўринда аёл «пиёда»лигича қолаверадими?

— Кўпчилиги ҳеч нимадан қайтмайди. Гап фақат карьерада эмас. Бизда ёлғиз, эрсиз, эридан ажралган аёллар сероб. Уларнинг назарида катта билан алоқа ёлғиз қалбларга ҳарорат бериш билан бирга бошқаларнинг кўз ўнгида аёлни юқорига кўтаргандай бўлади.

— Жамоа аҳли устидан ҳукмронлик ҳуқуқини ҳам берадими?

— Бу ақл-идрокка боғлиқ. Агар иззат-нафси ўткир бўлса, бу ҳуқуқ ишга тушади. Аксинча бўлса: одамларга мазза: «шеф»га қачон кириш, кайфияти, нимани сўраб-сўрамаслик— ҳаммасига аёл балогардон...

— Кимгадир балогардон, кимнидир кавушини тўғрилаган, шундайми?

— Буниси билан шуғулланмаганман. Лекин котиба орқали иш битириш имконияти ғоят кенг. Айрим директорларнинг ўзи шуни талаб қилади. Котибаларни ҳам шунга мувофиқ танлайди.

— Дарвоқе, эрингиз сиздан ҳеч нарса сўраб-суриштирмасмиди?

— Ҳеч қачон!

— Нима дейсиз, балки у шубҳаланар?

—Билмадим, сир бой бермасди-ку. Ҳолбуки, кўпинча уйда тунамасдим. «Ўртоғимникида» (кечаси юришга қўрққаним боис) қолардим. Нима ҳам қилсин, акс ҳолда карьерам аллақачон тугаган бўларди. Менинг сўнгги директорим бошқалар билан ишлай олмаяпти. Дарвоқе ҳозир у ерда «шахсий котибалик»ка уч номзод бор. Ҳали биттасини умидвор қилиб ўзига яқинлаштиради, ҳали бошқасини (котиба вазифасини бажарувчи иборасини эсланг). Улар қай йўсин унинг кўнглини олишни билмай гирдикапалак, у эса уларнинг устидан кулаётгандай қўғирчоқ қилиб ўйнаяпти. Аёллар эмас, ўз котибаси керак унга. Сиз эса «аёл карьераси» дейсиз. Мана сизга карьера!

«Литературная газета»дан
Маҳфуза УСМОНОВА
таржимаси

Оқибат

БАЛИҚЧИЛИК РОБИНЗОН

(бўлган воқеа)

«Балиқчилик Робинзон», деган номни мен топганим йўқ. Уни балиқчилик журналист укам Мамасиддиқ Пирматов илк бор ишлатган ва туманимизда бу гап оммалашиб кетди. Уша Робинзон — Абдуманноп ака Кенжаев тўғрисида ҳам илк бор ана шу Мамасиддиқ укамиз очерк ёзиб чиққан.

Андижон билан Наманганнинг ўртасидан Қорадарё оқиб ўтади. Машҳур шоиримиз Бобораҳим Машраб кечиб ўтган дарё. Лекин Робинзонимиз дарё оролларида яшамаган. Агар жуғрофия фанидан «5» олган бўлсангиз, Фарғона билан Балиқчи орасида Ёзёвон чўли бор. Уша Ёзёвон чўлининг адоқлари ҳозирги «Бўстон» хўжалиги ҳудудларигача чўзилган.

Ёш Абдуманноп тахминан 20-22 ёшларида қишлоғи Оролхондан ўша чўлнинг ичкарисига қочиб кетган ва ёлғиз ўзи ертўла кавлаб олиб, Даниэл Дефо ёзган «Робинзон Крузо»дан ҳам кўпроқ — 29 йил одамларга кўринмай, одамларни кўрмай яшаган.

Робинзон Крузо тақдирнинг тақозоси билан кема ҳалокатига учраб, шундай куйга тушган. Бу эса!..

У ҳаётга, одамларга бўлган ишончини йўқотганидан кейин, «Бунақа инсонлар билан яшамаганим бўлсин! Улардан кўра чўлу биёбонларда, қашқирлар, тулкилар, ажиналар ва юлдузлар билан, шамоллар билан бирга яшайман», деб бош олиб чиқиб кетган.

Хўш бу ёғини бир бошдан гапирмасам бўлмайди, шекилли. Уруш йиллари. Биласиз, у пайтда эркакларнинг ҳаммаси фронтга кетган. Қишлоқда қари-қартанглару аёллар ва болалар қолган. Шунда ўсмирликнинг барча ҳаяжонларини бошдан кечираётган Абдуманноп Кенжаев ҳамқишлоғи бўлмиш бир бузуқи жувоннинг уни кўз остига олиб қўйганини, пайт пойлаб, уни бир четга тортишини, хуллас, бу аёлнинг ёмон ниятини билмас эди. Ҳолбуки, аёл тўғрисида шунақанги бўлмағур гаплар кўп эдики, ёш-яланглар ҳатто унинг номини эшитса, бир сесканиб тушарди ҳам.

Ана шу аёл Абдуманнопни тузоғига илинтириб, унга тегиб олмоқчи бўлади. Уша пайтда урушдан қочган безорилар у билан айш-ишрат қилган, уни бу ишга бел боғлаганини қуллаб-қувватлаган ҳам.

Бу гаплардан бохабар Абдуманноп, бузуқи жувонни ёнига яқин йўлатмайди. Ҳалиги ҳамтовоқ худобезорлар эса, бузуқи аёлнинг ёнини олиб, Абдуманнопни «Бегона аёлни зўрламоқчи бўлди», деб гувоҳлик беришади.

Уша пайтдаги суд ҳам аёлни ёқлаб, йигитни жавобгар, деб топиб, бегуноҳдан-бегуноҳ болани қаматиб юборади. Йигитнинг ота-онаси ҳам, эл-юрт ҳам бу ишга аралаша олмайди. Энг даҳшатлиси, унга туҳмат қилганлар ичида, ўз жигари — акаси ҳам бор эди. Жазо муддатини ўтаб қайтгач... Қараса, уни қаматиб юборган бандалар соғ-омон юришибди. Акаси гўё ҳеч нарса рўй бермагандек унинг кўзига тик қараб турибди. Ҳатто ўша туҳматчилар Давлат идораларида катта-катта ишларда ишлаяпти. Хуллас Абдуманноп «Ҳей! Дунё, адолатинг йўқ экан», — дейди-ю, бош олиб чўлга кетади.

Чўлда қандай яшаган? Озиқ-овқат, кийим-кечак масаласи? — деган ўринли савол туғилиши табиий. Робинзон Крузо оролдан овқат, уст-бош топгандек, Абдуманноп ҳам чўлда — чўл ҳайвонларига ўхшаб яшайверган. Мажнун ҳам чўлу биёбонга қочиб кетган-ку, ярим ялонғоч яшаган-ку, ахир

Робинзон — Абдуманноп ака билан мен ҳам кўришдим. Бунинг учун журналист укам Мамасиддиқ Пирматовдан миннатдорман. Уша йигитдан илтимос қилгандим, Мени Робинзоннинг — Абдуманноп аканинг, у пайтда ёши саксонларга бориб қолган, лекин ҳамон одамлардан ётсирайдиган Робинзоннинг ҳузурига бошлаб борди. Балиқчилик Робинзон қароргоҳи томон борарканмиз, Мамасиддиқ унинг ҳафтада бир марта бозорга тушиб келишини, хўжалик 4 сотих ер берганини, у ерга қовун экишини гапириб берди менга. Мен эса ростини айтай, бегона, ярим ёввойи одамнинг эмас, ўз бобомнинг олдига бораётгандай ҳис қилдим ўзимни. Йўл-йўлакай хўжалик марказидан, уч киши тўядиган қилиб сомса ҳам сотиб олдим. Негадир «У сомса ейдими?» деб сўрадим. Мамасиддиқ бир кулиб қўйди, ейди, деди. Узоқдан ярим ёввойи одамнинг — балиқчилик Робинзоннинг қароргоҳи кўрингач, юрагимда бир сесканиш туйдим. Чўчигандай бўлдим.

Лекин уни кўриш истаги, қизиқишим ортиқ эди. Атрофини қамишлар ўраган пастак, ўша Робинзон Крузонинг кулбасини эслатадиган қароргоҳга ҳеч ким йўқ эди. Туйнугида ҳар хил халталар териб, илиб қўйилган. Кейин билсам уларда қоттан нон, қурт ва кўкатларнинг илдизлари, қоқилар сақланаркан. Атроф тўла қовоқ ари. Сув бўйига гуваладан қурилган бу кулбанинг поли йўқ, лойсувоқ қилинган, томида қамиш ўсган, йўлакларни ҳам қамиш қоплаганидан Робинзонимизнинг анчадан бери бу ерда яшамаётганини фаҳмладик. Қинғир-қийшиқ ёғочлардан ясалган нарвони ҳам ўт-ўланга кўмилиб ётибди. Беихтиёр хаёлимдан кечди, бу кулба ариқ бўйида экан, ҳозирда дала бўлиб қолган бу жойларда илон кўп бўлгувчи эди, кириб чақиб олмасмикан. Дарвоқе, ўзи ҳам илонлар билан ўртоқ бўлиб кеттандир? Балки арилар билан тиллашар? Кечалари-чи, ажиналар унга йўлиқмаганмикан? Қоронғуликда қандай юраркан? Кўзлари бўриникидай ўткирмикан?

Туриб қолганимизни кўриб, Абдуманноп акага бир хайрихоҳ киши ёнимизга келди ва... Абдуманноп аканинг пайкалда эканини айтди. Биз у кўрсатган томонга юра бошладик. Тахминан, Робинзоннинг ҳузурига етишимизга юз қадамча қолганда ўша томондан бир ёввойи товуш эшитилди.

— Қа-қи-қа-қи-қа-қи-қи-қи!

Этимиз сесканиб кетди, тўхтаб қолдик. Қарадик: пайкал уватида бир ёлғиз дарахт, денг. Дарахт орқасида бир шарпа. Худди «Ужас» кинолардагидек.

Мен умримда бунақа товушни эшитмаганман. Шунинг учун уни одам, деб ўйламадим, аввалига.

Мамасиддиқ укам эса, тўхтаб, «Шукур ака, бормайлик, хоҳламаяпти боришимизни!» — деди.

Шунда, овоз балиқчилик Робинзонники эканлигини билдим. Олдинга қараб беш-тўрт қадам юрдим. Яна ўша овоз. Одамнинг эти жимирлайди. Энди, Мамасиддиқ «Ака, келинг, қайтиб кетамиз, хоҳламаяпти, ёнларида пичоқлари бор», — деди. Мен эса «Ҳей, Тошкентдан суҳбатлашаман, деб келаяпман, бормасангиз ўзим бораман. Аввало Худо, пешонадагини кўрамиз», дедим. Юра бошладик. Яна ўша овоз. Бу гал унчалик чўчимадим. Фақат дарахт орқасидаги шарпанинг бизга қараб турганини билдим. Йўқ, тақдирга тан берди. Бориб саломлашдик. Устида эски плашч, , белида учтуртта пичоқ, носқовоқ, озғин, узун бўйли, соқоли қиртишланган чол. Ранги тупроқнинг рангидай. Дудуқлангандай, тутилгандай гапиради. Унта гапингта бир оғиз сўз билан жавоб қайтаради.

Олиб борган сомсамизни кўриб чеҳраси очилди. Плашчини ечиб, тепаликка, хашакнинг устига, дарахт соясига ёзди. Сомсамиз озгина ёқди шекилли, уруғликка олиб қўйган қовунини эндигина узган экан, сўя бошлади. Бир томчи сувини оқизмай, иккига бўлди. Уруғини эҳтиётлаб олди. Биргалашиб едик.

— Бу қовунингиз ширин экан. Раисга бермадингизми, Манноп ота? — дедим.

— Раисни бир гектар ерда, йўқ ўн гектар ерда, минг гектар ерда қовуни бор, минг гектар, во-ҳа-ҳа-ҳа, — деб бир кулиб кетди, ҳеч ўзини тўхтатолмайди, бир совуқ кулги.

Суҳбатлашдик. Ёшлигида кўрган баъзи кишиларни танир экан. Бошига тушган кунларга сабабчи бўлгани учун хотин кишиларга ҳеч ҳам юзма-юз келмас, келса ҳам орқасини ўгириб кетаверарканг. Дунёда яхши одамлар борлигига шубҳа билан қараркан. Умрида шифохона нима, табиб нима билмаган. Радиони ҳам олишувда эшитганман, дейди. Кейин билсам, олишуви бу уруш йиллари экан.

Кечалари узун бир таёқни тақиллатиб, пайкални қўриқлаб чиқаркан. Уғрилик ё ҳароминг ёнига йўламас экан. Одамлар уни энди-энди тушуниб, мурувват кўрсата бошлабди.

Ҳамма алам шундаки, у кечагина бор эди, ҳозир йўқ. Жойлари жаннатда бўлсин, бу мусибатзада бобонинг. Ҳамма бало шундаки, у ўз ажали билан ўлмаган. Уни ўлдириб кетишган!

Яқинда қишлоққа борсам, Комилжон деган бир синфдошим хайрлаша туриб, «Маннопингниям ўлдириб кетишибди-ю! »— деди.

— Кимни?

— Робинзонингни.

— Ким, нега ўлдиради?

— Ҳа, иккита ўсмир бола! Ёнида катта пули бор, деб ўйлашиб... Икки юз ўттиз сўм пул чиқибди ёнидан, холос.

Мана буни қаранг-а! 230 сўм пул учун одам ўлдиришса! Яна ким, ўсмирлар, денг.

Тақдирнинг ўйинидан даҳшатга тушасан киши. Узи бир умр жоҳил одамлардан қочиб яшаса-ю, умрининг охирида...

Албатта, бу аянчли воқеа. Лекин биз буни сизнинг раҳмингизни келтириш учун эълон қилаётганимиз йўқ. Аксинча, орамизда йўқолиб бораётган меҳр, оқибат каби тушунчаларнинг нақадар қадрли, сув билан ҳаводек зарур эканлигини бир бор эслатиб қўйишни лозим топдик. Зеро, ҳар бир гиёҳ қуёш нурисиз қуриб қовжиргани-дек, инсон ҳам меҳрсиз, муҳаббатсиз яшай олмайди.

Шукур ҚУРБОН

Муассисларимиз:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:

МУҲАММАД ИСМОИЛ

Ҳомий:

Ўзбекистон «Матбуот тарқатиш уюшмаси» ассоциацияси

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент — 700000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

Телефонлар: Бош муҳаррир — 33-28-20,
котибият — 34-86-91,
эълонлар бўлими — 36-56-52.
Ўрол СОДИҚ навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0388 32665 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.